

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТУПЛАМИ



Андижон - 2017

тозаланган, иккинчидан Анд.ЗМ модификатори кўшимча химоя пардасини ҳосил қилади. Қишлоқ хўжалик машиналарини ишлатиш ва сақлаш жараёнларида 1-8 вариантлардаги химоя қопламаларидан, айниқса 3-7 (3).Анд.ЗМ+FP-238+FT-138U, 4).Анд.ЗМ+УР-260+FT-138U, 5).Анд.ЗМ+АК-040+UT-720, 6).Анд.ЗМ+ГФ-032+UT-720, 7). Анд. ЗМ+FP-238+UT-720) вариантлардаги химоя қопламаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойданилган адабиётлар:

1.ИҚ-2013-41. “Қишлоқ хўжалик ва енгил саноат машиналарини сақлаш давомида истиқболли химоя қопламаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш”. Инновацион лойиҳа ҳисоботи. Андижон., 71 б., 2014

2.Искра Е.В., Луковский А.М., Петров Ю.С., Протасенко Л.В., Финкельштейн М.И. Окрасочные работы в машиностроении. Ленинград, “Машиностроение”, 259 с., 1984

3.Курочкин В.Н. Хранение техники на машинных дворах. М., “Россельхозиздат”, 162 с., 1985

4.Моршин А.В., Северный А.Э. Хранение сельскохозяйственной техники. М., “Колос”, 265 с., 1989

5. Мавлянов Н.М. Повышение надежности рабочих органов и качества работы предпосевных и посевных машин-орудий. Т., “Мехнат”, 154 с., 1985

6.Северный А.Э., Пацкалев А.Ф., Новиков А.Л. Справочник по хранению сельскохозяйственной техники. М., “Колос”, 256 с., 1984

7.Худойбердиев Т.С., Мавланов Н.М., Орипов Ғ., Шавазов Қ. Машиналарнинг ишончлилиги асослари. Т., 136 б., 2006

УДК 630.197.6

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАЛАРИНИ ХИМОЯЛАШДА МАХАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Орипов Ғ. -т.ф.н., доцент., Орипов Х.,
Нумонов М.-магистр. Узбекова М.-
талаба. АҚХИ**

Аннотация. В статье автор на основе разнообразных научных источников анализирует перспективы применения местного сырья в защита сельскохозяйственных машин, где в ходе проведение лабораторных экспериментов автор достиг ожидаемых положительных результатов.

Annotation. The author, on basis of different scientific sources analyzes the prospects for the use of local raw materials in the protection of agricultural machinery, where in the course of conducting other laboratory experiments the author has achieved the expected positive results.

Қишлоқ хўжалик техникаларини ташқи муҳитдан химоя қилиш билан уларни ишлатиш муддатларини сезиларли даражада ортириш мумкинлиги исботланган. Чунки ташқи муҳит қишлоқ хўжалик техникаларининг детал ва узелларини занглатиб емиради натижада улар ярқисиз холга келиб қолади.

Кишлоқ хўжалик техникаларини ташки мухитдан химоя қилишда лок-бўёқ материаллардан кенг кўламда фойдаланилади. Чунки лок-бўёқ материаллар турлари кўп ва таркиби ҳам хилма хил бўлиб, тоза металл юзасига маълум қалинликда ётқизилганда мустахкам химоя қопламасини ҳосил қилади. Металлни занглашдан саклайди ва унга эстетик кўриниш беради.

Лекин кишлоқ хўжалик техникаларини ишлаб чиқришда, ишлатишда ва сақлаш давомида ташки мухит таъсирида албаттда занглайди. Занглаган металл юзаларига лок-бўёқ материаллар билан ишлов берилганда кутилган химояловчи қоплама олиб бўлмайди. Чунки занглаган металл юзаларида мустахкам химоя қопламаси ҳосил қилиб бўлмайди.

Шу муносабат билан тадқиқот ишларини кишлоқ хўжалик техникаларини занглаган металл юзаларини химоя воситаларини ётқизишга тайёрлаш учун маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиб зангни тозаловчи кимёвий аралашма таркибини ишлаб чиқаришга қаратилди.

Кўнғир кўмир хоссаларидан келиб чиқиб (1-2-жадвал) ушбу маҳсулотлардан кишлоқ хўжалик техникаларини занглаган деталларини тозалаш ва химоя қопламалари ҳосил қилиш учун асос деб қабул қилинди. Чунки кўнғир кўмир таркибида металл юзаларида химоя қопламаси ҳосил қилувчи ва барьерлик хусусиятини берувчи гумин кислотаси ва азот мавжуд.

1-жадвал

Минерал хом ашёдаги элементлар миқдори

№	Намуна	Ялпи маҳслот, %			Харакатдаги маҳсулот, мг/кг		
		N	P	K	N-NO ₃	P ₂ O ₅	K ₂ O
1	Ачимаган ангрен кўмир чиқиндиси	0,029	0,27	0,554	8,75	20,8	136,5
2	Ачиган ангрен кўмир чиқиндиси	0,025	0,21	0,682	6,5	20,8	128,5

2-жадвал

Минерал хом ашёдаги мавжуд микроэлементлар миқдори

№	Намуна	мг/кг			
		Cu	Zn	Mn	B
1	Ачимаган ангрен кўмир чиқиндиси	-	4,5	143,0	0,35
2	Ачиган ангрен кўмир чиқиндиси	-	8,6	132,0	0,30

Ҳозирги кунгача занглаган метал юзаларни тозоловчи кимёвий таркибнинг 400 дан ортиқ турлари мавжуд бўлиб, уларнинг 300 дан ортиғи занглаган деталларни зангдан тозалаш учун ишлатилса, қолгани гурунт модификаторлар ҳисобланиб улар бевосита зангларни тозалаш билан биргаликда химоя қопламасини ҳам ҳосил қилади. Лекин ҳосил қилинган химоя қопламаларининг ингибиторлик ва барьерлик хусусиятлари йук. Шунингдек, таркибдаги айрим моддаларнинг тақчиллиги унинг нархини

ошириб юборади. Биз танлаб олган маҳаллий хомашё кўнғир кўмир чиқиндисининг суспензияси 125°C ҳароратда 1-2 соат давомида 1,0 % ли аммиакда ажратиб олинади.

Олинган суспензия таркибга керакли кимёвий моддалар белгиланган тартибда қўшилгандан сўнг аралашма ишлатишга тайёр бўлади. Аралашма юзага ётқизилганда металл юзасидаги занг маҳсулотлари билан реакцияга киришиб уни нетрал (нейтрал) ҳолатга келтириб, ингбиторлик ва барьерлик хусусиятларига эга бўлган юпка парда ҳосил қилади.

Лаборатория шароитида ўтказилган тадқиқот ишлари бўйича химоя қопламаларининг адгезия, эластиклик, зарбага чидамлилиқ кўрсаткичлари ҳозирда кўп тарқалган П-1Т, АПРЛ-2, П-3 занг модификаторлари билан кўнғир кўмир асосида тайёрланган занг модификатори таққосланди. Келтирилган занг модификаторлари билан занглаган юзага ишлов берилиб, сўнг лок-бўёқ материаллар ёрдамида олинган химоя қопламасида адгезия, эластиклик, зарбага чидамлилиқ кўрсаткичлари энг юқори кўрсаткич кўнғир кўмир асосида тайёрланган занг модификатори билан ишлов берилиб ҳосил қилинган химоя қопламасида бўлди.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, химоя қопламаларнинг адгезия, эластиклик ва зарбага чидамлилиқ хусусиятлари детал юзасини тозалик даражасига боғлиқ. Таклиф этилган кўнғир кўмир асосида тайёрланган занг модификатори арзон ва химоя қопламаларини химоялаш даражасини оширади.

Фойданилган адабиётлар:

1. ИҚ-2013-41. “Қишлоқ хўжалиқ ва енгил саноат машиналарини сақлаш давомида истиқболли химоя қопламаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш”. Инновацион лойиҳа ҳисоботи. Андижон., 71 б., 2014

2. Искра Е.В., Луковский А.М., Петров Ю.С., Протасенко Л.В., Финкельштейн М.И. Окрасочные работы в машиностроении. Ленинград, “Машиностроение”, 259 с., 1984

3. Курочкин В.Н. Хранение техники на машинных дворах. М., “Россельхозиздат”, 162 с., 1985

УЎК :517.2

ВИЛОЯТ АГРОСАНОАТ МАЖМУИНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАР ОРҚАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Д.Тошпўлатов, Ў.Мирҳомидов (АндҚХИ)

Аннотация. В этой статье, объяснены, чтобы сделать математическую модель, чтобы развить и установить основное отделение сельского хозяйства человека, что принадлежит региональному промышленному комплексу.

Annotation. In this article, are explained to make mathematical model to develop and set basic branch of individual farming what belong to the regional industrial complex.

Республикаимизни ҳар томонлама ривожлантиришда вилоятларни ўрни ҳам бекиёсдир. Вилоятларни иқтисодий ривожлантиришда эса

БОБУР АСАРЛАРИДА ЁШЛАР МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ

47. Х. Хайдарова. З.М.Бобур ва унинг асарларида шахс тарбияси масалалари.....126
48. Д. Ийманова. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодида ватан соғинчи.....129
49. Н. Мадихонов. З.М.Бобур инсонпарварлик ва таълим-тарбия ҳақидаги фикларининг ижтимоий-фалсафий аҳамияти.....132
50. С. Усмонова. З.М.Бобур асарларида тасвирланган комил инсон образи ёш авлодни тарбиялашда муҳим воситаси.....134
51. Қ. Насритдинов. Миллий ғурурнинг ватанни англашдаги моҳияти.....136

ҚўШИМЧА Шўъба

52. M. Rasulova. Quyosh elementi – XXI asr nefti.....139
53. А. Абдуллаев. Аграр ислохотларни чуқурлашуви жараёнида фермерлик харақати тараққиётини тезлашуви.....141
54. Ғ. Орипов. Омочларни сақлашга қўйиш чора таъдбирлари.....145
55. Ғ. Орипов. Машина деталларни занглашдан химоялашнинг самарали усуллари.....148
56. Ғ. Орипов. Қишлоқ хўжалик машиналарининг хизмат муддатини ошириш чоралари.....149
57. Ғ. Орипов. Қишлоқ хўжалик техникаларини химоялашда маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиш истиқболлари.....153
58. Д. Тошпўлатов. Вилоят агросаноат мажмуини математик моделлар орқали ривожлантиришнинг айрим масалалари.....155
59. З. Мирзаева. Комсток қуртининг олма дарахтига зарарини ўрганиш ва унга қарши замонавий кураш.....157
60. З. Мирзаева. Ток касалликларига қарши қўлланиладиган тадбирлар тизими.....160
61. И. Ибрагимов. Ривожланаётган иқтисодиётларда давлатнинг инновация соҳасидаги снѐсати ва уни Ўзбекистонда қўлланилиш шартлари.....162
62. M. G'opparov. Tijorat banklarida kredit siyosati va uning bank resurslarini joylashtirishdagi ahamiyati.....166
63. А. Мамажонов. Бозор иқтисодиѐти шароитида жорий мажбуриятлар ҳисобини ташкил этишнинг хусусиятлари.....168
64. А. Мамажонов. Иқтисоднѐтни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро стандартларга мослаштириш муаммолари.....171
65. С. Махмудов. Қимматли қоғозлар бозорида аудиторлик хизматларининг аҳамияти.....173

**Орипов Ғ., Орипов Х., Нумонов М., Узебова М ларинг «Қишлоқ
хўжалик техникаларини химоялашда маҳаллий хом ашёлардан
фойдаланиш истиқболлари» мавзусидаги илмий мақоласига**

ТАҚРИЗ

Мақолада қишлоқ хўжалик техникаларини химоялашда маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиш истиқболлари тадқиқотлар орқали ёритилган.

Хозирги кунгача занглаган метал юзаларни тозовлчи кимёвий таркибнинг 400 дан ортиқ турлари мавжуд бўлиб, уларнинг 300 дан ортиғи занглаган деталларни зангдан тозалаш учун ишлатилса, қолгани гурунт модификаторлар ҳисобланиб улар бевосита занглари тозалаш билан биргаликда химоя қопламасини ҳам ҳосил қилади.

Қўнғир кўмир хоссаларидан келиб чиқиб ушбу маҳсулотлардан қишлоқ хўжалик техникаларини занглаган деталларини тозалаш ва химоя қопламалари ҳосил қилиш учун асос деб қабул қилинди. Чунки қўнғир кўмир таркибида металл юзаларида химоя қопламаси ҳосил қилувчи ва барьерлик хусусиятини берувчи гумин кислотаси ва азот мавжуд.

Лаборатория шароитида ўтказилган тадқиқот ишлари бўйича химоя қопламаларининг адгезия, эластиклик, зарбага чидамлик кўрсаткичлари ҳозирда кўп тарқалган П-1Т, АПРЛ-2, П-3 занг модификаторлари билан қўнғир кўмир асосида тайёрланган занг модификатори таққосланди.

Келтирилган занг модификаторлари билан занглаган юзага ишлов берилиб, сўнг лок-бўёқ материаллар ёрдамида олинган химоя қопламасида адгезия, эластиклик, зарбага чидамлик кўрсаткичлари энг юқори кўрсаткич қўнғир кўмир асосида тайёрланган занг модификатори билан ишлов берилиб ҳосил қилинган химоя қопламасида бўлди

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда мақолани www.zivonet.uz таълим тармоғига жойлаштиришга тавсия этаман.

Тақризчи т.ф.н. доцент:



Handwritten signature

И.Ғ. Мирзаев

**Орипов Ғ., Орипов Х., Нумонов М., Узбекова М ларнинг «Қишлоқ
хўжалик техникаларини химоялашда маҳаллий хом ашёлардан
фойдаланиш истиқболлари» мавзусидаги илмий мақоласига**

ТАҚРИЗ

Қишлоқ хўжалик техникаларини ташқи муҳитдан химоя қилишда лок-бўёқ материаллардан кенг қўламда фойдаланилади. Чунки лок-бўёқ материаллар турлари кўп ва таркиби ҳам хилма хил бўлиб, тоза металл юзасига маълум қалинликда ётқизилганда мустаҳкам химоя қопламасини ҳосил қилади. Металлни занглашдан сақлайди ва унга эстетик кўриниш беради.

Қўнғир қўмир хоссаларидан келиб чиқиб ушбу маҳсулотлардан қишлоқ хўжалик техникаларини занглаган деталларини тозалаш ва химоя қопламалари ҳосил қилиш учун асос деб қабул қилинди.

Химоя қопламаларнинг адгезия, эластиклик ва зарбага чидамлилиқ хусусиятлари детал юзасини тозалик даражасига боглиқ. Таклиф этилган қўнғир қўмир асосида тайёрланган занг модификатори арзон ва химоя қопламаларини химоялаш даражасини оширади.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда мақолани www.zivonet.uz таълим тармоғига жойлаштиришга тавсия этаман.

Такризчи:

Андижон Машинасозлик Институти

“Умумтехника фанлари” кафедра

доценти т.ф.н.:



Қ. И. Халмирзаев